


13-mart
2025-yil 10 (1 112)

O'ZLiDeP



АХХР

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz

@XXLasr_yangiliklari

asrgazetasi

XXI_asr@mail.ru

xxiasrgazetasi

XXLasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МУНОСАБАТ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ
ДОИМИЙ ЖАРАЁНГА АЙЛАНАДИ

Одатда коррупция ҳақида гап кетганда баъзилар бу иллатни фақатгина Хитой давлати каби порахўрлик учун ўлим жазосини жорий этибгина тугатиш мумкин дейишади. Бошқалар эса бу ҳам муқобил чора бўла олмаслигини эътироф этиб, ушбу жараён чексиз цикл эканлигини таъкидлашади. Дарҳақиқат, ўйлаб кўрилса, дунё кўп асрдан буён бу бало билан курашиб келмоқда. Хусусан, бугун ҳукми ўзининг фойдасига чиқартириш учун ноинсоф қозининг кўрпачаси остига пул ташлаб кетилмаётган ёки хатжилд ичига пул солиб узатилмаётган бўлса-да, моҳият ўзгармаган. Бироқ давр силсиласида коррупцион урф-одатлар ҳам тадрижий ривожланиб замонга мослашиб бормоқда. Жумладан, бугун на қариндоши, на ходими бўлган бутунлай нотаниш кимсалар номига пластик карта очтириб, қайсидир ишни битириб бериш эвазига бир “бечора”га савоб бўлсин учун пул ташлатиб олиш ёки бошқа етти ухлаб тушингизга ҳам кирмаган минглаб коррупцион усуллар ўйлаб топиляптики, эшитиб, кўриб ёқа ушлайсан киши. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бутун дунё аҳлини ташвишга солаётган ушбу хатарли жиноятга қарши Ўзбекистонда қандай амалий чоралар кўрилмоқда? Жамият ва давлатнинг киберпорахўрликка қарши кўникмаси бугун ўзини қай даражада оқлаяпти?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида иштирок этди ва юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга танқидий баҳо берилиб, келгусида олдимизда турган энг долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Мамлакатимиздаги барча қатлам вакиллари, кенг жамоатчилик, жумладан, O'zLiDeP фаоллари ҳам давлатимиз раҳбари томонидан мазкур йиғилишда ўртага ташланган таклиф ва тавсиялар, дастурий режалардан қандай хулосалар чиқаришяпти? Бугун уларнинг бу мавзуга оид фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Юртимизда қутлуг баҳор фаслининг беғубор насимлари эсмоқда, дала-дашларда аллақачон Наврўз даракчилари бўй кўрсатяпти. Энг қувончлиси, йилнинг яхши келаётгани муборак Рамазон ойида ёғадиган қорлар ва ёмғирли об-ҳаво халқимизни қувонтирмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг исталган шаҳар-қишлоқ-овулларига бориб, сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий мавзулардаги суҳбат-гурунглари кузатсангиз, халқимиз Президентимиз раислигида шу йилнинг 5 март куни танқидий-тахлилий руҳда ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида кўтарилган долзарб масалалар хусусида фикр-мулоҳаза юритаётганига гувоҳ бўласиз.

Эътироф этиш керакки, Президентимизнинг коррупцияга қарши курашдаги қучли сиёсий иродаси, тизимлилик, изчиллик ва очиқлик тамойилларига мувофиқ амалга ошираётган стратегияси бу борадаги муваффақиятларнинг асосий омил бўлди. Коррупцияга нисбатан муросасизлик давлат сиёсати даражасига олиб чиқилгани боис халқимиз ушбу иллатга қарши кураш вақтинчалик эмас, балки узлуксиз, муросасиз ва мақсадли саъй-ҳаракатлар эканини англаб етди.

Давоми 2-саҳифада.



Ахтам ХАЙТОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари

УШБУ СОНДА:



Дастурхон
баракаси
томорқада

5с.



Рамазон –
"тансиқ таомлар
шоу" оyi эмас!

5с.



Табиат
ҳодисаларини
қандай атаймиз?

6с.

АНОНС

Яйловларнинг
эгаси бор...ми?



КОРРУПЦИЯГА ДОИММЙ ЖАРАЁНГА

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Узоққа бормайлик, тўққиз-ўн йил аввал одамлар-га ер бериш жараёнида қанча бюрократик тўсиқлар бор эди. Юртдошларимиз ойлаб, ҳатто йиллаб ҳокимликдан ташқари яна ўнлаб идоралар ўртасида овораи сарсон бўлиб юрарди-ку! Яшириб нима қиламиз, порасиз, таниш-билишчиликларсиз иш умуман битмасди. Мана коррупция “ўчоғи” қаерда эди...

Кейинги йилларда шахсан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ерга, мулкка бўлган муносабат кескин ўзгарди. Оддий мисол, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга давлат томонидан кўмаклашиш тизими яратилгани ёки қўшимча ер майдонлари фойдаланишга киритилгани кимнинг тушига кирган эди? Айниқса, аҳолига ер участкаларини ажратишда барча учун тенг, шаффоф ва бозор таъминотида ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Тўла ишонч билан таъкидлаш керакки, ушбу қонун неча минглаб юртдошларимиз ҳаётига ёруғлик олиб кирди, қанчалаб оилаларга севинч, қувонч ва бахт бағишлади. Асосийси, бу ўша соҳада учраётган коррупциявий ҳолатларга барҳам берди.

2024 йил 9 октябрь куни қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун мамлакатда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофликни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Тўла ишонч билан таъкидлаш керакки, ушбу қонун неча минглаб юртдошларимиз ҳаётига ёруғлик олиб кирди, қанчалаб оилаларга севинч, қувонч ва бахт бағишлади. Асосийси, бу ўша соҳада учраётган коррупциявий ҳолатларга барҳам берди.

Сайловчилар, аҳолининг турли қатлами вакиллари билан юзма-юз мулоқотларда аксарият фуқароларимиз кредит олиш билан боғлиқ муаммоларни ўртага ташлар, қачон мукамалроқ ечим топилади, деб сўрашарди. Ҳозир бу борада деярли муаммолар йўқ. Барча банклар 100 миллион сўмгача маийш кредитларни инсон омилисиз 5 дақиқа ичида онлайн тарзда ҳал этиб бермоқда. Қувонарлиси, энди одамлар эмас, аксинча, банкирларнинг ўзи маҳалла-қўйга тушиб, одамларга фойдали лойиҳа, кредит таклиф қилиб, миҳозлари кўпайиши учун ҳаракат қиляпти.

Яна бир жиҳати, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳар бир соҳада коррупцияга барҳам бериш бўйича таклифлар киритиб бориши бу иллатга қарши курашиш натижадорлигини янада оширишига ишонч билдирди. Бу эса парламентдаги кўп сонли фракциямиз аъзолари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди. Шу боис О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг парламент қўйи палатасидаги фракциянинг қўшма мажлисида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ййғилишида атрофликда муҳокама этилган долзарб масалаларнинг мазмун-моҳиятини маслаҳатдошларимиз ўртасида кенг тарғиб этиш бўйича мақсадли вазифаларни белгилаб олдик. Муҳокамалар жараёнида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ коррупция ҳолатлари, жумладан, давлат харидлари, лицензия ва рұхсат бериш, ер ажратиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда, солиқ, божхона, қурилиш ва бошқа соҳаларда учраётган муаммоларга қонуний ечим топиш бўйича қатор таклифлар ҳам ўртага ташланди.



Гульшана ХУДОЁРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Коррупция, биламизки, энг аянчли иллат ва ҳар қандай жамиятга хавф соладиган оғир жиноят ҳисобланади. Афсуски, бугун уни ҳар бир жабҳада учратиб, салбий оқибатларига ҳаммаимиз гувоҳимиз. Табиий савол туғилади: хўш, коррупцияни бутунлай йўқотиш учун нима қилиш керак?

Аввало, бу иллатни бутунлай йўқотиш жуда мураккаб ва узоқ муддатли жараён эканлигини унутмаслик лозим. Лекин максимал даражада қамайтириш учун жамиятни ислоҳ этиш талаб этилади.

Масалан, коррупцион ҳолат учун аниқ ва қатъий жазо белгиланиши таъминлаш мақсадида, аввало, қонунларни такомиллаштириш ва уларни амалга ошириш учун ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш ҳамда рақобат, тақсимот ва тўғрилиқни рағбатлантирувчи механизмларни амалга татибқ этиш лозим.

Шу билан бирга, бу хатарли ишга қарши курашиш мақсадида мустақил аудит ва рақобат органларини самарали ишлашини таъминлаш ҳамда амалдорларни коррупциянинг турли йўллари билан сотиб олишга қарши жамиятда ахлоқий нормаларни шакллантириш, ҳаққонийлик, шаффофлик ва адолатни тарғиб қилиш зарур.

Шунингдек, барча таркибдаги депутатлар ва жамоат фаоллари иштирокида фуқароларни бу хатти-ҳаракатнинг салбий оқибатлари ҳақида огоҳлантириш, жамиятда коррупцияга қарши иммунитет ҳосил қилиш, аҳоли ўртасида турли антикоррупцион тадбир ва семинарлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ҳукумат, жамоат ташкилотлари ҳамда давлат ва хусусий секторларнинг турли кимосиди, олди-сотида ва бошқа тегишли маълумотлари жамоатчилик учун очиқ бўлиши, хизматлар ва ҳаракатларни электронлаштириш коррупциянинг олдини олишда муҳим восита бўлиб, улар барча жараёнлари янада шаффоф ва қонуний тарзда бошқарилишини таъминлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, коррупция ҳолатларини аниқлаш ва мониторинг қилиш учун мустақил назорат тизимларини ўрнатиш, жамоатчилик, фуқаролик жамияти ва барча турдаги оммавий ахборот воситаларини коррупцияга қарши курашиш жараёнига жалб қилиш лозим.

Қолаверса, коррупцияга алоқадор шахслар учун жазоларни қатъийлаштириш, жумладан, молиявий санкциялар ва узоқ муддатли қамоқ жазоларини жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мустақил ва коррупцияга қарши самарали ҳаракат қилиш учун зарур ресурслар билан таъминланиши керак, албатта.

Коррупция илдизига бутунлай болта уришда энг муҳим жиҳат янги авлодни адолат, ҳалоллик ва масъулиятни ҳис этиш кўникмасига ўргатиш ва бу иллатнинг олдини олишга қаратилган таълим дастурларини кучайтириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган сабабларни ва уларнинг олдини олиш учун самарали усулларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш мақсадидадир.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши глобал муносабатлар ва стандартларни қўллаш, халқаро микёсдаги кўмак ва ресурслар билан унга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти ташкилотларини бу нохуш ҳолатга қарши курашиш мақсадида фаол жалб қилиш каби таъсир чораларини кўриш вақти келди.

Эътиборли томони, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда коррупцияга қарши аниқ тизим яратилди: қонунлар қабул қилиниб, давлат идоралари, бизнес субъектлари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги асосида тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ порахўрликка қарши текширувни ўтказувчи субъектлар, шунингдек, коррупцияга қарши экспертиза тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш тартибга ҳамда уни келтириб чиқарувчи омиллар йил сайин тартибга солинмоқда.

Мисол тариқасида келтираман, ушбу жабҳада давлат сиёсати изчиллигини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023 – 2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилиниб, очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 35 тадан 40 тага кенгайтирилди. Бундан кейин ҳам қонунларни порахўрликка қарши курашиш экспертизасидан ўтказиш вазифаси белгиланди. Ушбу амалиётни ҳаётга татибқ этиш учун ўнлаб қонунларни инвентаризациядан ўтказиш керак бўлади. Масалан, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Айниқса, бугунги шиддатли даврда коррупциянинг рақамли турлари ҳам учраётгани, ушбу киберкоррупцияларга қарши курашадиган янги авлод кадрларини етиштириш, таълимнинг энг қўйи бўғинидан бошлаб ёш авлодга бу каби иллатларнинг оқибатлари ҳақида “Тарбия” фанлари орқали тушунтириш ишларини олиб боришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Суд ишига аралашши, адвокатлар фаолиятига тўсиқлик қилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича ҳам керакли тартиблар ўрнатилади. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги, ҳонадонларимиз осойишталиги, бир сўз билан айтганда, янги тараққиёт босқичига қўйиладиган улкан қадам бўлади.



Шўхрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси, О'зЛиДеР Қашқадарё вилоят кенгаши раиси:

– Бугун парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва агентлик фаолият олиб бормоқда. Жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очик тизим, шаффоф муҳит яратилди. Очиклик бўйича халқаро рейтинглардаги мамлакатимизнинг ўрни 138 поноғага яхшиланиб, Марказий Осиёда биринчи, дунёда 30-ўринга кўтарилди. Хусусан, ер майдонларини ҳоким қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион тизимига ўтилгани, “Шаффоф қурилиш” дастури жорий этилгани, банклар 100 миллион сўмгача маийш кредитларни инсон омилисиз 5 дақиқа ичида онлайн бераётгани, мактабгача ва мактаб таълими тизимида ўндан ортиқ хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилгани бунинг яққол далилидир. Ушбу соҳада мурожаатлар сони 2,5 каррага камайди. Олий таълим тизими рақамлаштирилиб, имтиҳонлар шаффоф ўтказилаётгани, 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилисиз олишга ўтилгани, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторларининг боди-камера билан хизматни ўтаётгани, авторакмлар аукционда сотилаётгани, “қўл радар”и ва қоғоз баённома тузиш бекор қилингани боис коррупция омиллари кескин камайди.

Энг муҳими, инсон омили ва қоғозбозликни қамайтиришга алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли ва тадбиркорларга “халқ хизматидоғи давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. 120 турдаги ҳужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортиқ лицензия ва рұхсатномалар бекор қилинган, тадбиркорлар, чет эл иштирокидаги қўшма кор-

хоналар сони кескин ошди. Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сони кўпайиб бормоқда. Албатта, бу борадаги ютуқларимиз ўз йўлига, лекин йўл қўйилаётган камчилик, муаммолардан ҳам кўз юмолмаймиз.

Мисол учун, турли бўғиндаги депутатлар ва маҳалла фаоллари коррупцион ҳолатларга қарши курашишда ҳамжиҳат бўлиши, тўй-маъракаларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳалоллик ва шукроналик билан ҳаёт кечиришни тушунтириш ишларини кучайтириш бугуннинг талабига айланиб бормоқда. Шунингдек, бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик йўлида учраётган айрим тўсиқларни бартараф этиш, янада кўпроқ инвестиция жалб қилиш, янги иш ўринлари яратишда бюрократия ва тўрачиликларга бутунлай барҳам бериш зарур.

Биргина мисол, чет элга маҳсулотини эксперт қилмоқчи бўлаётган ёки аксинча шундай фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган тадбиркорларни қийнаётган баъзи салбий ҳолатларни олайлик: ҳамон маҳсулот ишлаб чиқариш ва олиб кириш борасида сертификат олиш жараёниларининг мураккаблашиб кетгани айнан коррупцияга йўл очаётгани бор гап. Жамиятда бу каби муаммолар учраб турибди-да.

Ёки яна бир аянчли воқеани эслайлик: яқиндагина кенг жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлган Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаган шахсининг 30 минг доллар пора олаётганда ушлангани ҳаммамизни ҳушёр тортиргани рост. Маълумотларга кўра, ҳоким ёрдамчиси фуқарога тадбиркорлик мақсадида тўртта савдо дўкони қуриш учун 210 квадрат метр худудни юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали аукционда ютишини таъминлаши эвазига пул талаб қилган. Бундан ташқари, “Ижтимоий ҳимоя эғона реестри”га камбағал оила сифатида рўйхатга олинган фуқароларга субсидия ёки имтиёзли кредит чиқариб бериш эвазига пул талаб қилиш ҳолатлари ҳам тез-тез қулоққа қалиниб қолмоқда. Шундоғам зўрға рўзгорини тебатиб юрган одамдан яна пора сўраш учун одам қай даражада қабیح бўлиши мумкин, айтинг!

Энди бундай нохуш ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Аввало, ушбу соҳага масъул ва дахлдор давлат идораларига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, ислохотларини натижадорлигига эришиш учун садоқатли, ҳалол ва коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Мухтасар қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш барчамиз учун умуммиллий бурч, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждон ишига айланиши зарур. Ишонамкин, бу каби хайрли саъй-ҳаракатларимиз мамлакатимизни ривожлантириш йўлидаги стратегик ислохотларни амалга оширишда ўзига ҳок ишонч кўприги бўлиб хизмат қилади.



Мўқаддасхон АХМЕДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Жамиятда энг кўп ва қизғин муҳокама қилинадиган коррупцияга қарши курашиш масаласи илк маротаба янги форматда, давлат раҳбари иштирокида қўриб чиқилиши бежиз эмас. Негаки ушбу салбий ҳолат мамлакат тараққиётига ёш бўладиган, одамларни, жамиятни, давлатни издан чиқарадиган муаммоларнинг энг хавфлисидир.

Коррупция қақатгина молиявий йўқотишларни эмас, балки ижтимоий адолатсизлик, давлат органларига ишончнинг пасайиши ва фуқароларнинг ҳаётий манфаатларининг бузилишига ҳам олиб келади. Шуниси билан жуда хавфли, десак, муболага эмас.

Юртимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзига Коррупцияга қарши курашиш соҳасида 8 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Соҳада олиб бориладиган ишлар натижасида ўтган йилда ўтказилган сўнгги тадқиқотга кўра, “Transparency International” коррупцияга қарши кураш ташкилотининг “Коррупцияни аниқлаш” индексида Ўзбекистон 180 давлат орасида 121-ўринни эгаллаган. Бу ўтган йилларга қараганда Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш яхшиланиганини кўрсатади, албатта.

Қолаверса, ИХТТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғи Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида 5-босқич мониторингинг ўтказилди. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсати 83,6 балл билан Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори баҳоланди.

Тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган хатарли иллат ҳақида гап борар экан, унга қарши кураш бу фақат давлатнинггина эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масаласидир. Биз, халқ вакиллари эса бу масалани ҳал этишда муҳим роль ўйнаймиз. Бизнинг фаолиятимиз коррупциянинг олдини олиш, шаффофликни ошириш ва ижтимоий назоратни таъминлаш йўлида муҳим восита ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ййғилишида сўзлаган нутқида коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллада маийш коррупция шаклида содир этилаётгани, шу боис энди Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиланиб, уларга вилоят халқ депутатлари

кенгаши раислари бош-қош бўлиши таъкидланди.

Худудий кенгашлар коррупциявий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш мақсадида қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга таклиф киритиб борадиган бўлди. Албатта, иллатга қарши курашишнинг янги чина ёндашуви ўз самараларини бериши табиий.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президентимиз ушбу иллатга қарши курашиш бўйича 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусни илгари сурдики, бу келгусида унинг илдизига “болта” уриш ва муаммони бартараф этишда қўл келиши шубҳасиз.

Олга сурилган ушбу ташаббуслар доирасида 5 та қонун, 12 та фармон ва қарорлар ишлаб чиқилади. Коррупцияга қарши курашишда парламент, Миллий ва худудий кенгашлар, фуқаролик жамияти институтларининг роли оширилади. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари янада кучаяди. Эътиборлиси, декларациялаш, ноқонуний бойлик орттиришга оид янги тартиблар киритилиши натижасида, айниқса, порахўрлик омиллари чекланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Биз, парламент вакиллари сифатида бу йўналишдаги ишларимизни қайта қўриб чиқиб, бу муҳим ҳолатга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларимизни ишлаб чиқамиз. Шу ўринда коррупциянинг ҳар қандай турига қарши курашишда тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш юритиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра, соҳаларда юзага келаётган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун давлат ташкилотлари билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик алоқаларини янада кучайтиришга катта эътибор қаратмоқ лозим.

Энг асосийси, вазирлик ва давлат идораларида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари фаолиятини янада жонлан-тириш зарур. Сабаби, бу каби кенгашлар қанчалик фаол бўлса, ана шу вазирлик ва ташкилотларда амалдорни пора билан сотиб олиш коррупцияга йўл қўйилмайди.



Равшан ФАЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Барчамиз яхши биламизки, коррупция жамиятнинг барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишига жиддий хавф солувчи омиллардан биридир. Бу иллат, айниқса, тадбиркорликнинг барча турига кескин салбий таъсир кўрсатади. Масалан, порахўрлик муҳитида тадбиркорлик юритиш қийинлашади, боиси, бизнес субъектлари қонун устуворлиги эмас, балки ноқонуний воситалар орқали иш юритишга мажбур бўладилар. Бу борада учрайдиган айрим салбий омилларни санаб ўтиш жоиз деб ўйлайман:

биринчидан, коррупция мавжуд бўлган давлатларда инвесторлар ўз маблағларини жойлаштиришдан қочади. Негаки, инвестиция қилган маблағлари хавф остида бўлиши, ноқонуний тўловлар талаб қилиниши ёки бизнес юри-тишда тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин;

иккинчидан, коррупция, энг аввало, амалдаги қонунларнинг нотўғри ишлашига йўл очади. Тадбиркорлар ўз фаолиятларини қонун доирасида олиб бориш ўрнига, мансабдор шахсларга пора бериш орқали муаммоларини ҳал қилишга мажбур бўлади. Бу эса адолатсиз рақобат муҳитини яратади;

учинчидан, ишбилармонлар лицензия олиш, рұхсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш ва турли текширувлардан ўтишда ноқонуний хатти-ҳаракатларга дучор бўлса, қонуний тўловлардан ташқари бошқа ортиқча харажатлар пайдо бўлади. Бу эса бизнес юритишни қийматлаштиради ва унинг рентабеллигини пасайтиради;

тўртинчидан, коррупцияга мойил бўлган жамиятларда айрим компаниялар ноқонуний йўллар орқали ҳукумат вакиллари билан хуфиёна тарзда келишувга эришиб, бозорда устунликка эга бўлади. Бу эса ўз навбатида бошқа тадбиркорларнинг имкониятларини чеклайди ва эркин рақобат муҳитини йўққа чиқаради;

бешинчидан, порахўрлик, биринчи навбатда хусусий секторнинг ўсишини чеклайди, тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини заифлаштиради ва шу билан бирга янги иш ўринлари яратиш имкониятини қамайтиради. Бу эса алаоқибат мамлакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир қилади.

Ана энди коррупцион ҳолатларнинг **қурилиш соҳасига** кўрсатадиган жиддий салбий таъсирига эътибор қаратайлик:

– **пудратчилар** пора бериш орқали тендерларни ютгани учун, лойиҳа сифатини оширишга эмас, аксинча, сарф-харажатларни минималлаштиришга ургу беради. Бу эса арзон ва паст сифатли материаллардан фойдаланиш, хавфсизлик стандартларига риоя қилмаслик ва тез эскиришга олиб келади;

– **коррупция** қурилиш нарҳининг сўнғий равишда ошишига сабаб бўлади. Пудратчилар мавжуд харажатлардан ташқари юқори нарҳларни кўрсатиши ҳам мумкин. Чунки улар пора бериш ва тендерда ғолиб чиқиш учун кетган харажатларни ана шундай ғирром йўллар орқали қоплашга ҳаракат қилади;

– энг хавфли жиҳати, порахўрлик қурилиш соҳасига инвес-



ҚАРШИ КУРАШ АЙЛАНАДИ

тиция киритишни қийинлаштиради. Нега десангиз сармоядорлар шаффоф бўлмаган тизимда ишлашни истамайди;

– паст сифатли қурилиш материаллари ва хавфсизлик талабларига риоя қилинмагани оқибатида иморатлар тез кулаши, ёнғинлар, йўл ёригишлари ва бошқа фалокатлар юз бериши эҳтимоли ошади. Бу эса инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдиради;

– коррупцияли тендер жараёнлари сабабли ҳақиқий рақобат бўлмайди, малкали ва ҳалол ишлайдиган компаниялар имкониятсиз қолади. Бу эса соҳадаги ривожланишни секинлаштиради;

– қурилиш соҳасидаги коррупция уюшган жиноятчилик, пул ювиш ва бошқа ноқонуний фаолиятларга йўл онади.

Коррупцияга қарши курашда тadbиркорлар ва фуқаролар учун ҳуқуқий муҳитни яхшилаш, барча расмий жараёнларни электрон шаклга ўтказиш, бюрократик иш-ҳаракатларни автоматлаштириш, тadbиркорлик соҳасидаги порахўрликка оид фактларни фoш этиш ҳамда уларни ҳуқуқий саводхонлик билан таъминлаш ва адолатли ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш жуда муҳим восита ҳисобланади.

Дарвоқе, давлат ва жамият, кенг жамоатчилик, жумладан, етакчи сиёсий куч саналган O‘zLiDeP фаоллари, аъзоларимиз, барчамиз биргаликда бу иллатга қарши курашда амалдаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда бирлашсаккина кутилган натижага эришамиз.



Раяно АСТАНАХУЛОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Коррупция бу дунёда энг глобал хавфлардан биридир. Маълумотларга кўра, бу иллатдан жаҳон қўғосодиёти йилгига 3 триллион доллар зарар кўрар экан. Тасаввур қил-яписинми? Бу ҳазилакам маблағ эмас!

Мамлакатларнинг коррупцион таҳлили “The Corruption Perception Index” (CPI) – Халқаро шаффофлик ташкилоти томонидан 1995 йилдан буён ҳар йили нашр этиб келинади. Давлатларнинг жамоат секторидаги коррупция даражаси нолдан бошлаб, юзгача шкалада ўлчанади. Бу жараёнда ноль бутунлай порахўрлик ботқоғига ботганлигини аңлатса, юз рақами порахўрликдан холиликни аңлатади. 2024 йилги CPI натижаларига кўра, 80 баллдан юқори кўрсаткични қайд этиб, Дания, Финляндия, Янги Зеландия, Норвегия, Сингапур ва Швеция дунёнинг энг коррупциядан холи давлатлари деб эътироф этилган. Энг ёмон кўрсаткич эса 8 балл билан Жанубий Судан, Сомали, Венесуэла ва Сурия каби давлатларга тўғри келган. Ушбу давлатлар орасида Ўзбекистоннинг очиклиги бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни 138 поғонага яхшиланиб, Марказий Осиёда биринчи, дунёда 30-ўринга муносиб кўрилган. Ўзбекистон бундан кейин ҳам очиклик сиёсатини, сўз эркинлиги ғояларини ҳаётга таъбиқ этишда қатъий давом этиши фақатгина давлат ташкилотларига тегишли, деб қараш, албатта, нотўғри. Бу мураккаб ва оғир жараёнда халқ ва давлат бир мушт бўлиб бирлашган тақдирдагина амалий натижа бўлиши мумкин.

Тўғри, бу соҳада кейинги етти-саккиз йил ичида бир қатор ижобий самараларга эришилганини эътироф этиш лозим. Биринчи навбатда, инсон омили ва қўғосозлик анча камайди. Мисол учун, аҳолига уй-жой қуриш учун ер ажратишда фуқаролар ҳоқимлик ва ўнга яқин идоралар ўртасида сарсон бўлар, натижада бу соҳа коррупция “ўчоғи”га айланиб кетган эди. Бугун эса ерни ҳоқим қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечилиб, аукцион-ким ошди савдоси тизимига тўлиқ ўтилди. Худди шундай жараён қурилиш соҳаси, давлат харидлари ва бошқаларга ҳам таъбиқ этилаётгани хайридир.

Бироқ, шундай бўлса-да, баъзан ер майдонларини ноқонуний равишда олди-сотди қилишда нохуш ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Табиийки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан бу борада қонуний чоралар кўрилмақда. Албатта, ҳали олдинда қилингандан кўра, қилинмаган ишлар ҳам талайгина. Жумладан, Ўзбекистонда коррупцияни максимал даражада тугатиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида аниқ белгилаб берди. Бу жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун юридик тизимни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назорати ва шаффофликни таъминлаш, бошқарув тизимини рақамлаштириш, таълим ва хулқ-атворни ўзгартириш, қолаверса, ходимларни сайлаш ва ташкилий ўзгартиришлар қилиш ҳамда ташқи мониторинг ва халқаро ҳамкорликини мустаҳкамлаш зарур эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилганлиги бежиз эмас. Бундан ташқари, коррупция билан боғлиқ ишлар учун жазо тизими қатъий бўлиши, айни пайтда, ҳалол ва самарали ходимларни рағбатлантириш учун мотивация тизими ҳам ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Демак, коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун комплекс ёндашув ва ҳар томонлама фаоллик талаб этилади. Мамлакатимизда бу кўринмас офатни йўқотиш учун барча ҳуқуқий, маънавий ва технологик чоралар етарли деб ўйлайман. Муҳими, фаоллик, халқпарварлик бўлса бас.



Абдурахмон ТОИРОВ,
Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгаши депутати:

– Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича, айниқса, сўнгги йилларда жиддий қадамлар ташланганига барчамиз гувоҳимиз. Шу маънода 5 мартдаги нуфузли тadbирда Президент, биринчи навбатда давлат идораларига аниқ топшириқлар берди. Албатта, бу вазифалар ҳаммамизга тегишли эканлиги ҳам сир эмас. Эндиликда коррупцияга қарши кураш янги босқичга чиқиши лозим эканлиги таъкидланиб, вилоятлардаги порахўрликка қарши кураш кенгашларига халқ депутатлари раҳбарлик қилиши ҳамда уларнинг ҳаракатлари туман даражасига қадар туширилиши белгилангани жиддий сигнал бўлди. Асосийси, давлат хизматлари кўрсатиш тизими тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, фуқаролар ҳужжат олиш учун энди давлат идораларида саргардон бўлмаслиги қайд этиб ўтилди.

Шу ўринда шахсан ўзим ҳам туман кенгаши депутати сифатида коррупцияни тугатишда барча чоралар кўриш билан бирга, шунингдек, бу борада **илмий изланишларга ҳам алоҳида эътибор** қаратилиши тарафдориман. Нега десангиз, илмий тадқиқотлар орқали ҳам коррупциянинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабабларини аниқлаш мумкинлиги дунё тажрибасида исботланган. Бу тадқиқотлар коррупциянинг қандай ҳолатларда пайдо бўлиши, унинг давлат ва жамиятга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар тақдим этиш эҳтимоли катталиги билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, илмий изланишлар порахўрликнинг турли шакллари, механизмлари ва тармоқларини тадқиқ қилиши мумкин. Масалан, давлат органларидаги порахўрлик, бизнес ва сиёсат орасидаги алоқалар ёки жамоат секторидаги муаммолар ва ҳоказо омилларни ҳам ошкор этишда қўл келади.

Бундан ташқари, илмий тадқиқотлар порахўрликка қарши самарали курашиш стратегияларини ишлаб чиқишга кўмаклашади. Масалан, илмий изланишлар коррупцияга қарши қабул қилиниши мумкин бўлган қонунлар ва меъёрларнинг қандай таъсир кўрсатишини ўрганади. Қолаверса, изланишлар порахўрликка қарши сиёсатларнинг амалга оширилиши ва уларнинг натижалари ҳақида таҳлиллар ўтказади. Улар асосида бу иллатга қарши механизмларни такомиллаштириш мумкин. Шунингдек, бу каби илмий изланишлар салбий ҳолатнинг иқтисодий, ижтимоий ва ахлоқий оқибатлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишда анча самара беради. Коррупциянинг салбий таъсирлари ҳақида олинган маълумотлар фуқароларни ва давлат органларини коррупцион жиноятларга қарши фаол ишлашга ундайди. Давлат органлари ва жамоатчиликда порахўрликка қарши масъулиятли ёндашувни шакллантириш учун замин яратади.

Эътиборли томони, ҳуқуқий тадқиқотлар қонунлар самарадорлигини ва уларнинг амалга оширилишини ўрганишда ёрдам бериб, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва сиёсий тизимини таҳлил қилиб, коррупцияни камайтириш ва йўқотиш учун ижобий ўзгаришларни тақлиф этиши, иқтисодий таъсирлар, порахўрликнинг хўжалик секторига ҳамда халқаро тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий контекстга мослаштириш имконини юзага чиқаради. Масалан, Transparency International ёки БМТ билан ҳамкорлик орқали коррупцияга қарши курашиш стратегияларини ишлаб чиқиш, халқаро стандартлар ва энг яхши амалиётларни Ўзбекистондаги порахўрликка қарши тизимга татбиқ этишга кўмак беради. Хулоса шуки, илмий тадқиқотлар коррупцияни тушуниш, унинг сабаблари ва оқибатларини аниқлаш, шунингдек, порахўрликка қарши самарали кураш усулларини ишлаб чиқишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.



Мизроб ТАШОВ,
Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати:

– Коррупцияга қарши курашиш осон эмаслиги дунё тажрибасида исботланган ҳақиқат. Лекин бу оғир иллатни йўқотиш мумкин эмаскан-да, дея томошабин сифатида қараб ўтириш учун асос бўлмайди.

Шундай экан, давлатимиз раҳбари иштирок этган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида таъкидланганидек, масалан, биргина порахўрликни бартараф этишдек мураккаб жараёнда давлат ва нодавлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ташқари кенг жамоатчилик иштирокини

таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки кўлимизда бу соҳага оид қабул қилинган қатор қонунлар турибди, улар давлатимиз ва жамиятимизнинг янада тараққий этиши, халқчил ислохотларнинг ривожига ғов бўлиб турган ана шу иллатларга муросасиз курашиш учун ўзига хос дастак вазифасини ўтамоқда. Айниқса, бугун аҳолининг маълум қатлами ижтимоий тармоқларда фаоллигини инобатга олиб, ОАВ билан алоқаларни янада кучайтириш зарур. Чунки журналист ва блогерларнинг қонунга амал қилган ҳолда тайёрлаётган асосли чиқишлари таъсирчан ва натижадор эканлини унутмаслик керак.

Ҳар қандай вазиятда ҳам жамоатчилик назорати институти энди фаол ишлашини истаймиз. Ҳар бир фуқаро, у қайси ёшда, қайси вазифада ишлашдан қатъи назар, коррупция ҳолатларга гувоҳ бўлган заҳоти тегишли органларга хабар беришни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билмоғи лозим. Аксар ҳолларда “томошабинлик” позицияси устунлик қилади ва кўпчилик юртдошларимиз бу каби ҳолатларга бепарво муносабатда бўлишади. Албатта, бундай вазиятда тегишли маҳкамалар ўзларига коррупцион ҳолатлар ҳақида хабар берган фаол ва инсофли фуқароларни кейинчалик овора қилмасликлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари керак деб ҳисоблайман. Нега десангиз, жуда кўп юртдошларимиз ана шундай нотўғри ёндашувдан зада бўлиб қолишгани ҳам рост. Шунинг учун ҳам айримлар ортиқча бошоғриқ орттирмасликка ҳаракат қилишда. Бу масалада ҳам чуқур ўйлаб кўриш вақти етди. Коррупция ҳақида хабар берувчиларга махфийлик кафолатларини ва муҳофаза қилишни таъминлаш жамоатчиликни курашга кўпроқ ундайди.



Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ,
Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати:

– Кўриб турибмиз, коррупция мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигига таҳдид солувчи оғриқли ва жиддий муаммолардан бирига айланган. Шу маънода, барча масъул идораларнинг бу умумхалқ ишига дахлдор эканлигини инобатга олган ҳолда айтмоқчиманки, биз мансуб бўлган O‘zLiDeP ҳам бу ишда фаол тарғиботчи сиёсий куч эканлигини эътироф этишни истардим. Зеро, партия ўз дастури ва ҳаракат режасида мунтазам шаффоф ва адолатли бизнес муҳитини яратиш, хусусий сектор ва тadbиркорларни коррупция таъсиридан ҳимоя қилиш борасида қайғуриб келади.

Шахсан мен партиянинг бир оддий фаоли сифатида бу борада олдимизда турган айрим вазифаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи жоиз деб ўйлайман. Аввало, тadbиркорларнинг коррупцияга учраш эҳтимолини камайтириш учун “бир дарча” тамойилини янада такомиллаштириш лозим.

Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда рақамлаштириш ва шаффофликни ошириш орқали инсон омили таъсирини камайтириш керак.

Қолаверса, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва фуқароларнинг коррупция ҳақида хабар бериш механизмларини янада осонлаштириш зарур.

Асосийси, тadbиркор ва ишбилармонлар учун тенг шaroитлар яратиш, ҳеч қандай маъмурий тўсиқ ва тамагирликларга йўл қўймайлик шарт.

Коррупцияга қарши курашиш, бу бир кунлик ё мавсумий иш ҳам эмас, балки танаффуссиз давом этадиган жараён ҳисобланади.



Комил РЎЗИЕВ,
Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши депутати:

– Юртбошимизнинг мазкур йиғилишда куйиниб айтган сўзлари ва бу борадаги ташвишли мисоллар ҳамда рақамлар билан танишиб чиқар эканман, очиги, қаттиқ хавотирга ҳам тушдим. Негаки, коррупция бор жойда ҳеч қачон ривожланиш ҳам, юксалиш ҳам бўлмаслигини ҳаммамиз теран аңлаб етамиз. Лекин бу хатарли иллатга бепарво, хотиржам қараб туришга ҳаққимиз ҳам йўқ.

Оддий мисол, аҳоли ва тadbиркорларга “халқ хизматидаги давлат” тамойили асосида хизмат кўрсатиб келинаётганлиги 120 дан ортиқ ҳўжжатларни талаб қилиш, 160 дан зиёд лицензия ва рухсатномаларга чек қўйилганлиги ўз амалий натижасини бериб, бугунги кунда 200 минг на-

фар тadbиркор бозорга кириб келди. Бугунги кунда юрти-мизда 23 мингга яқин хорижий давлатлар иштирокидаги корхоналар сафи тобора ортиб бормоқда. Булар, албатта, кишини қувонтиради. Лекин ушбу жабҳада мамлакат имижини тушириши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини ҳам унутмайлик.

Яна бир асосий масала шуки, айнан коррупцияга қарши кураш жараёнида давлатимиз раҳбари ушбу йиғилишда таъкидлаб ўтганидек, халқ вакиллари – депутатларнинг ўрни жуда муҳим. Улар порахўрликка қарши самарали қонунларни қабул қилиш ва мавжуд қонунларни янада такомиллаштириш учун масъул бўлган ҳолда ушбу иллатларга қарши жазолаш механизми ва коррупцияга қарши стратегияларни жорий этиш жараёнида фаол бўлмоқлари лозим. Зеро, ноиблар давлат органларининг, хусусан, ижро этувчи ва бошқа ташкилотлардан ҳисоб сўраш ваколатига эгадирлар. Бу эса ўз навбатида юқорида ташвиш билан тилга олинаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда давлат маблағларининг самарали ишлатилишини таъминлашга хизмат қилиб, давлат ташкилотларини шаффоф бўлишга, жумладан, бюджетни ва харидлар жараёнларини янада очик ва аниқ қилишга ундайди.

Шунингдек, партия ва депутатлар коррупциянинг салбий оқибатлари ҳамда унга қарши курашининг туб моҳиятини аҳолига етказишда, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида антикоррупцион кайфиятни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Қолаверса, ҳар бир депутат ўз фаолиятида порахўрликка қарши қатъий позицияни кўрсата билиши, шахсий ва касбий ҳаётида бу балога муросасизлик бобида намуна бўла олиши керак.



Ислом ФАЙЗУЛЛОВ,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:

– Давлатимиз раҳбари Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида қайси соҳада фаолият юритмасин, давлат хизматида профессионал ва ҳалол кадрларни танлаш, ишга қабул қилишни очик ва шаффоф ўтказиш, янги ислохотларда халқимиз фикрини инобатга олиш, нафақат давлат, балки ҳар бир юртдошимиз бу иллатга қарши курашишда ақдид бўлса, албатта кўзланган мақсадга эришишимиз мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, ушбу йиғилишда ҳашаматдан воз кечиб, ноқонуний бойлик орттириш ҳолатларининг олдини олиш бўйича қонун ишлаб чиқиш, жамият ва ҳукумат ҳаётининг барча соҳаларида порахўрликка оид ҳуқуқ-бузарликларни содир этиш сабаб ва омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида тизимли ишларни ташкил этиш белгиланди. Жумладан, порахўрликнинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш, бу нохуш ҳолатга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни жорий этиш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш “Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартиби ва амалиёти”ни ташкил қилиш босқичлари амалга оширилиши бўйича ҳам вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Бу каби салбий иллатларга қарши курашиш фақат давлат идораларининг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг, умумхалқ вакилларининг ҳам масъулиятли бурчидир.

Қўшаҳфани “XXI asr” мухбирлари
Норқобил КАЛИЛОВ, Абдулла ЧИМИРЗАЕВ
тайёрлади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган режаларга бағишланган O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Бошлангич партия ташкилоти ҳар қандай сиёсий кучнинг асосий таянчи, ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Чунки корхона ва ташкилот ҳамда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган бундай бўғинлар бевосита одамлар билан ишлайди, электоратни қийнаб келаётган мурожаатларга мақбул ечимлар топишда яқиндан ёрдам беради, дастурий мақсад ва вазифаларни аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилади.

Айни кунларда сиёсий кучнинг таянч нуқтаси бўлган БПТда ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизгин паллага кирди. Фаол, фидойи партиядошлар орасидан раис ва унинг ўринбосарлари сайланмоқда. “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да ва партия сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифаларни жорий йилда амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтаётган йиғилишларда ютуқ ва муваффақиятлар эътироф этилиб, хато ва камчиликлар ошқора айтилмоқда. Уларни бартараф этиш юзасидан ўзаро фикр алмашилиб, таклифлар умумлаштирилмоқда.

НАВОИЙ



ЯНГИ АЪЗОЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



ЖИЗЗАХ



Айни пайтда О'зЛиДеР Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилоти таркибида ўз сафлари-га 150 297 нафар партиядошларни бирлаштирган 1 266 та бошлангич партия ташкилоти фаолият олиб бормоқда.



ЭНГ КАТТА КУЧ ТАРҒИБОТДА

Мирзаҷўл туманидаги “Ибн Сино издоши” хусусий клиникасида ташкил этилган ва Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати Сабоҳат Азимова етакчилиги қилаётган куйи бўғиндаги ҳисобот-сайлов йиғилиши анча қизгин кечди.

– Бўғинимизнинг самарали фа-

олият олиб бориши, халқ қалбига яқинлашиши учун мулоқот тадбирларининг аҳамияти жуда катта, – деди нотиқ. – Айниқса, сайловолди плат-формамиздаги мақсад ва вазифалар акс этган, партия рамазлари туширил-ган тарқатма материалларини янада кўпайтириш ва кенгрок тарқатиш жу-

да ўринли бўлади.

Йиғилиш якунида Сабоҳат Ази-мованинг ҳисоботи қониқарли, деб топилди ва унинг ўзи БПТ раислигига қайта сайланди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Union masters beauty” МЧЖ қошида ташкил этилган бош-лангич партия ташкилоти энг фаол бўғинлардан бири ҳисобланади.

ЭНГ НАМУНАЛИ БПТ



Йиғилишда эътироф қилинганидек, маз-кур БПТ ўтган йил давомида бир қатор ама-лий ишларга ҳам қўл урди. Яъни саломатликни асраш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муаммолари масалаларини ҳал этиш бўйича оз эмас, жами 52 та тадбир ўтказди. Уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлашга оид амалий ишлар натижасида 7 нафар ўғил-қиз ишли бўлди. Қолаверса, ушбу БПТ фаол-ларининг эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, партия аъзоларини кўпайти-риш борасидаги ташаббуслари ҳам ибратли.

Эътиборлиси, юқоридаги намунали ишла-ри учун раис ва ўринбосар ҳам қайта сайлан-ди.

Улуғбек ЭШОНХЎЖАЕВ,
О'зЛиДеР Тошкент шаҳар
кенгаши бўлим мудир

ХОРАЗМ



ЎЗИГА ХОС САРҲИСОБ

Қўшқўпир туманидаги “Чаманзор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошлангич партия ташкило-тининг ҳисобот-сайлов йиғилишида етакчининг ўтган йилги ҳисоботи, қилинган амалий ишлар ва янги йил режалари атрофича кўриб чиқилди.

Табиийки, мақтовлардан кўра танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам кўпроқ айтилди. “Чун-ки ҳали олдинда қилинмаган қанча ишлар ту-рибди. Биласиз, ўтган сайловлар йилида ушбу БПТ аъзолари ҳам фаоллик кўрсатишди”, деди Қўшқўпир туман кенгаши депутати Бекзод Жаб-боров.

Куйи бўғин етакчиси этиб Нигора Оллабер-ганова сайланди.

О'зЛиДеР
Хоразм вилоят
кенгаши матбуот хизмати



ҚАШҚАДАРЁ



МУНОСИБ ЭКАН, ҚАЙТА САЙЛАНДИ



О'зЛиДеР Қамаш туман кенгаши ўз таркибидаги куйи бўғинлар фаолиятини кучайтиришга ҳар доим жиддий ёндаша-ди. Ҳозиргача жами 83 та БПТдан 25 та-сида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтка-зилиб, шундан уч нафар етакчига ишонч билдирилмади.

“Қамашитумангаз” газ таъминот бўлими қошидаги куйи бўғин тадби-рида етакчи Элбек Хайитовнинг ҳисо-боти тингланди. Таъкидланганидек, партия фаоллари аҳоли ўртасида кенг қўламда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борди. Хусусан, улар-нинг бевосита ташаббуслари ва таш-килотчиликларида оилавий тадбир-корликни ривожлантириш, томорқа ҳўжалигидан самарали фойдаланиш, паррандачилик, чорвачилик ва том-чилатиб суғоришга асосланган ис-сиқхона ҳўжаликларини кўпайтириш асносида аҳоли бандлигини таъмин-лаш борасида қатор амалий ишлар-га қўл урилди. Партия аъзолари со-ни ўтган давр мобайнида 20 нафарга кўпайиб, жами 50 нафарга етди.

– Йиғилишларда “Ўзбекис-тон – 2030” стратегияси ҳамда

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йили давлат дастуридан ўрин олган мамлакатимизда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъмин-лаш борасидаги устувор вазифалар хусусида батафсил маълумотлар беряпмиз, – дейди О'зЛиДеР Қамаш туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Камол Шодмонов. – БПТларнинг ўтган йил-даги фаолияти жиддий кўриб чиқил-япти. Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар-ни тадбиркорликка йўналтириш, электоратни қийнаб келаётган муам-моларни бартараф этиш борасидаги амалий таклифлар ўртага ташлана-ётир.

“Қамашитумангаз” газ таъми-нот бўлими қошидаги БПТ йиғилиши-да ҳисобот ижобий баҳоланиб, бир овоздан амалдаги раис Элбек Хайи-тов қайта сайланди. Анжуман сўнги-да бир гуруҳ газчиларга аъзолик гу-воҳномалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

БУХОРО



ҲИСОБОТ ИЖОБИЙ



кучнинг мақсад ва ғояларини аҳолига етказишда сама-рали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил давомида қатор хайрли ишларга бош-қош бўлишди. Фуқаролар-нинг долзарб муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, улар-нинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди.

– Маълумки, партия сафларини теран фикрлай оладиган, серғайрат маслакдошлар ҳисобига тўлдириш муҳим вазифалардан ҳисобланади, – деди депутат Ма-дина Баратова. – БПТда ҳисобот даврида партия сафла-рини ёшлар, тадбиркор ва фермерлар ҳисобидан кен-гайтиришга доимий эътибор бериб келинди.

Дарҳақиқат, БПТ томонидан партиявий лойиҳалар ижросини таъминлаш, янгидан иш бошлаган тадбиркор ёшлар ва аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қўл-лаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга доимий ёрдам беришга ҳамisha асосий вазифа сифатида қарал-ди. Фахрийлар, ёлғиз кекса ва пенсионерлар ҳолидан хабар олинди.

Куйи бўғин йиғилишида партия шаҳар кенгаши ап-парат раҳбари Р. Загратдинов таянч бўғиннинг бундан кейинги фаолияти ҳам талаб даражасида бўлиши учун биргаликда куч-ғайрат сафрлашиши, собитқадамлик би-лан фаолият олиб борилиши зарурилгини таъкидлади.

Йиғилишда БПТ етакчилигига Баҳодир Тоҳиров қайта сайланди.

Асқор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

НАМАНГАН



ЯНГИ ЕТАКЧИ

О'зЛиДеР Косонсой туман кенга-ши томонидан “Агробанк” АЖ туман бўлими ҳузуридаги БПТ ҳисобот-йиғи-лишида сиёсий кучнинг стратегик мақсадлари ва истиқболли лойи-ҳалари ҳамда фаоллар томонидан амалга оширилган ибратли ишлар, эришилган ютуқлар, ўз навбатида келгусидаги устувор вазифалар таҳлил этилди.

Йиғилиш якунида партия фао-ли Мадина Турсунова бир овоздан БПТ раиси этиб сайланди.

О'зЛиДеР
Наманган вилоят
кенгаши матбуот хизмати





ИМКОНИАТ МАЙДОНИ

Давлат статистика агентлиги ёйинлаган хабарда юртимизда 2024 йилда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати ҳажми 103.7 триллион сўмни ташкил қилиб, 2023 йилнинг мос даври билан таққослаганда 4.5 фоизга ошгани кўрсатилган. Худудлар кесимида келтирилган кўрсаткичларида Хоразм вилоятида ўтган йили 5.5 триллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилгани айтилади.

ДАСТУРХОН БАРАКАСИ ТОМОРҚАДА



ерлари бор. Уларда турли мева-вали дарахтлардан ташқари оралиқларда ўртача уч-тўрт сотихча деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ер майдончалари ҳам мавжуд. Бунча ерлар умумлаштирилганда ўртача бир туманининг очик ер майдонларича келади.

Бу ёғини тасаввур қилавемиз!

...Тўрт йилча бурун бутун дунёни забтита олган тожик-мон вирус туфайли юртимизда карантин эълон қилинган муносабати билан ўтказилган махсус тузилган штабнинг илк йиғилишида нурунийлар кенгаши раиси бўлган кекса киши

айтган сўзлар ҳамон эсимдан чиқмайди: “Бу бало қанча давом қилиши номаълум. Усти-миздаги кийимни ювиб-ямаб тўрт-беш йил қийишимиз мумкин, аммо кунига уч марта овқат истеъмол қилиши зарур бўлган қоринни ямаб бўлмайди. Таклифим, аҳоли илқидига барча томорқа ва қўшимча томорқаларнинг бир қаричи ҳам бўш қолмаслиги чорасини кўришимиз керак!”

Ушанда вилоят ҳокимлиги аҳоли томорқаларини назорат қилиш учун депутатлардан иборат махсус гуруҳ тузган ва қисқа муддатда барча хонадонлар томорқалари кўздан

кечирилиб, бўш ётган томорқа эгаларига қатъий чора кўриш белгиланган эди.

Буни қарангки, “Ковид-19” балоси чекиндию яна айрим ҳовлиларда томорқага бепи-санд қараш қайфияти юзага келди...

Шу йилнинг 14 февралда Президентимизнинг “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалик-лари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинган бу соҳада катта бурилиш бошланаётганини англатади. Чунки очик айтиш

керакки, айрим юртдошларимиз ўз томорқаларида полиз ва сабзавот етиштиришга бефарқ қарашади, меҳнат қилишдан кўра бозордан харид қилишни афзал кўради (Қўшимча ҳамда шахсий томорқаларини бировларга маълум миқдордаги пул эвазига мавсумий ижарага берганлар ҳақида ҳам эшитгансиз).

Туманимизда яшовчи бир аёлни қачон қарасак, маҳалла фуқаролар йиғини эшигида кўрамиз. Мақсади моддий ёрдам олиш ёки бирорта “дафтар”га исми-шарифини қайд қилдириш. Хайҳотдек томорқасида на бир мевали дарахт бор, на бир пушта экин. Унумдор томорқаси йиллар давомида ҳеч нарса экилмагани учун ажриқ босиб ётибди, яроқсиз ҳолга келган.

Кўрдингиз, яқинда бозорларда картошка нархи кескин кўтарилиб кетди ва ижтимоий тармоқларда бу ҳолатни ҳукуматга тўнкайдиганлар пайдо бўлди. Ўзимдан қиёс: утган йили баҳор бошларида томорқамизнинг бир, қўшимча томорқамизнинг икки сотих ерига эккан картошка ҳосили саккиз кишилик оиламизга қишининг ярмигача етди. Кейин картошка учун бозорга тушдик. Бир мавсумда томорқасида етиштирилган картошка билан кейинги ҳосилгача қозон қайнатадиган хонадонлар ҳам озмас.

“Томорқада картошка, сабзавот етиштиришнинг қийин томонлари ҳам бор. Минерал ўғитлар қиммат!” деб эътироз билдирувчилар ҳам кам эмас. Келинг, ҳисоб-китоб қилайлик: шахсий ёки қўшимча томорқамизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун бир мавсумда бир миллион сўм атрофида минерал ўғит сотиб оламиз (Шу ўринда, бу майдонларга ҳар йили куз охири ва қиш маҳали маҳаллий ўғит тўқилиши, бу эса минерал ўғит сарфини камайтиришни ҳам унутмайлик). Демак, харид қилинган минерал ўғит мавсумда камида ўн миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришимизга ёрдам беради. Тўққиз миллион сўм ёнимизга қоляпти-ку, тўғрими?

Айрим дангасалар ёки “диван экспертлари” ушбу фар-

моннинг мазмун-моҳиятини ижтимоий тармоқларда нотўғри талқин қилишганига ҳам гувоҳ бўлдик. Нимамиш, экилмасдан бўш қолдирилган томорқа учун уч ҳисса кўп солиқ ундириш ноҳақлик эмиш.

Аслида давлатимиз томонидан ажратилган томорқа ва қўшимча томорқадан унумли фойдаланмаслик, уни бўш қўйишнинг ўзи давлат ва халққа нисбатан адолатсизлик эмасми? Бу оддий сўз билан айтганда, “Берсанг ейман, бермасанг ўламан!” қабиллидаги ҳаёт тарзини одатга айлантирган айрим текинхўрларнинг ўйлаб топган ваз-қорсонидан бўлак нарсаси эмас.

Яна бир хонадонни биламан: томорқасида бирорта мевали дарахт йўқ, очик майдонга ҳар йили чорва моллари учун маккажўхори экади холос. “Барака топгур, озгина ишлаб, тер тўксангиз оилангиз билан бир йил давомида истеъмол қиладиган сабзавот оласиз-ку!” десангиз, “Ишлаб нима қиламан. Ўғлим четда ишлайди, 300-400 доллар жўнатса, исталган нарсани бозордан саралаб оламан?” деб бурнини жийиради...

Томорқа ва қўшимча томорқада қўл меҳнати бутун мавсумда ўн беш-йигирма кунга бормайди. Ҳозир бир қарич ерни ҳам ҳайдайдиган, буғдой ёки шолини ўрайдиган минг ускуналар жуда кўпайган. Қўл меҳнатига эҳтиёж тобора камаймоқда. Фақат ихлос, иштиёқ ва ватанпарварлик керак.

Кексаларимиз “Тарозиға кирган нарсда баракот бўлмайди”, дейишарди. Бу, ўз қўлинг билан етиштирилган не етсин деганидир!

Шу кунларда ўлкамизда баҳор насимлари эсмоқда. Лекин қиш қургур ҳам бўш келмаяпти. Ҳаракатда эса ҳаммаша баракот бўлган. Бугун – эрта уйғонган, бир парча бўлса-да, томорқасида нафасини ростлаб ишга киришган одам эртага тўкинчилик сари қадам қўяди. Бозор оралаб нарх-наво суриштириб юрмайди. Нима дейсиз?

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ФАХР

“БИТТА ҚИЗНИ ЎҚИТСАК, БУТУН ОИЛАНИ ЎҚИТГАН БЎЛАМИЗ...”

Ҳар қандай жамиятда маданиятнинг қай даражадалиги аёлга нисбатан муносабат билан белгиланади, дея ҳақ гапни айтган файласуфлар. Шарқда азалдан аёлга, онага алоҳида ҳурмат билан қараб келинган. Жаннат оналар оёғи остида, деган ҳадис бежиз айтилмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Мен бир ҳаётлий фикрни такрорлашдан чарчамайман: битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади. Бу борадаги ишларни янада жадал давом эттиришимиз”, - деган гаплари давлатимиз тутган йўлни ёрқин кўрсатиб беради.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш,

илм олишлариға имконият яратиш жамият тараққиёти-нинг асосий мезонидир. Аёллар бандлигини таъминлаш, олий таълимга интилаётган хотин-қизлар сафини кенгайтириш, илмий изланишларга жалб қилиш, чет тилларни ўрганишга рағбатлантириш мамлакатимизда устувор вазифа қилиб белгиланган.

Ушбу эътибор ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда Шаҳрисабз давлат педагогика институтида минглаб талабалар тахсил олмоқда. Улар орасида илм-фан соҳасида қатор ютуқларга эришган, номдор стипендия соҳиблари, тил билиш сертификатига эга бўлган, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган қизларимиз талайгина.

Шулардан бири Шаҳноза Элбоева хорижий тил ва адабиёт йўналишида 4-босқич талабаси бўлиб, айни пайтда “Планета” нодавлат таълим муассасаси раҳбари ва инглиз тили ўқитувчиси сифатида ҳам фаолият юритмоқда. У 2021 йили “Имконият” лойиҳаси ёлиби сифатида 50 миллион сўм миқдоридидаги сўда маблағига эга бўлди, халқаро IELTS имтиҳонидан 7,5 балл ва Multilevel C1 сертификатларини қўлга киритди. “Methodology of Foreign Language Teaching” ўқув-услубий қўлланмасини нашр эттирди.

Шаҳноза “Йил талабаси – 2024” танловининг республика босқичида “Йилнинг энг фаол тадбиркор талабаси” номинациясида 3-ўринни қўлга киритди. Қашқадарё вилояти ҳокими стипендиаси соҳиб бўлди. У ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, келажакда ўқув маркази фаолиятини янада кенгайтириш ва таълим сифатини оширишга ҳисса қўишни мақсад қилган.

Дилрабо АБАЗОВА,
Шаҳрисабз давлат педагогика институти тюроти

ОЙНА

РАМАЗОН— “ТАНСИҚ ТАОМЛАР ШОУ” ОЙИ ЭМАС!

Масалан, мен рўза ойини кейинги йилларда кузатиб, “тансиқ таомлар шоу”сига қиёслайман. Чунки кўпчилик айнан шу ойда энг зўр таомлар “асири”га айланади. Аксар таниш-нотаниш одамлардан оғиз очиш учун яхшироқ нарсаси тейёрламасак бўлмайди-я, деган гапларни эшитаман. Ёки кўпчилик юртдошларимиз кечга яқин бозор учарга чопади, супермаркетларга кириб, уйларига хилма-хил емак ташийд. Ифторликларни-ку айтиб ўтирмайин.

Эшитишимча, шу кунларда қишлоқларда ҳатто ифторлик қилмоқчи бўлганларга навбат етмаётган экан. Худди тўй мавсумлари каби аввалдан аниқ кунини уламоларга белгилатиб қўймаса навбат тегмаскан. Бундай ҳолат мен туғилиб ўсган қишлоқда ҳам учраётгани боис шуларни ёзишга тутиндим. Энг қизиғи, масъуллар томонидан ифторлик дастурхони учун қўйиладиган таомлар рўйхати-га-ча тузиб беришаркан. Шу ҳам инсофданим, айтинг!? Кимнингдир қўли узундир, лекин баъзи оилалар зўрға кун кечираётган бўлса-чи? Улар нима қилади, қарз кўтарадими?

Хўш, аслида муқаддас Рамазон ойида рўза тутишдан мақсад вужудни, руҳни поклаш, нафсини тарбиялаш ва ниҳоят, танани бир ой давомида ҳазми оғир бўлган таомлардан муҳофазалаш, ошқозонга танаффус бериш эмасми?

Айрим рўзадорларнинг қандай сахарлик қилишаётганини эшитиб ёқангни ушлайсан киши. Узоққа бормайлик, хоҳ ишонманг, хоҳ ишонманг, ҳозирги кунда Тошкентдаги кафе-ресторан, чойхоналарга уйдагилар ё меҳмонлар билан бориб кўринг-чи, бўш жой тополмайсиз. Ҳаммаси бир неча кун аввал банд қилинган. Игна ташласангиз ерга тушмайди, тумонат одам. Бундай манзарани кўриб... кўнглингизнинг бир четидан, эҳ, қанийди, шу одамлар театр ва кутубхоналар ёхуд музей ё зиёратгоҳларга ҳам ана шундай шошилиб, урилиб-сурилиб борсалар сабога қолмасиди, деган некбин уйлар кечади. Ва секин асабингиз бузилган-



ча уйингизга, камтарингина ёзилган дастурхонингизга қайтасиз...

Яна бир ачинарли жиҳати, айни кунларда сахарлик маҳали ҳам тўп-тўп бўлиб кафеларга бориб оғиз ёпишлар ҳам “таом шоу”нинг иккинчи қисмига айланган. Дастурхондаги таомларни санаб адоғига етолмайсиз. Бечора бир парчагина ошқозонни аввалгидан ҳам кўра кўпроқ овқатлар билан тўлдиришда мантиқ бормикан? Бундай маҳал кечкурун яна мен рўза тутялман-а, дегандек тансиқ таомларни шу баҳонада еб-ёб олаётгандек туюлади менга кўпчилик.

Болалигимда энам раҳматли бир сиқимгина майиз ва бир бўлак нон билан рўза тутганини эслайман. Шунинг учунми, масалан, биз Рамазон бошланишидан олдин, эртадан рўза бошланаркан, деб рўзгоримизга деярли ҳеч нарсаси ғамламаймиз. Оиламизда одатдагидек ҳаёт давом этаверади. Ўтган йилларим ҳам кунгидек бир финжон кофе ва бир тўғрам сариеғли нон еб, оғиз ёпиб қўяқолардим. Турмуш ўртоғим ҳам сахарда кечки овқатдан ортганим, уям бўлмаса икки донга қайнатилган тухумни истеъмол қилиб олардим. Одатий таомномамизга фақат биргина ўзгариш киритилади, у ҳам бўлса ўз қўлим билан нишолда тайёрлайман!..

Барно СУЛТОНОВА,
журналист



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири


Сен баҳорни соғинмадингми?

Уйғонгувчи боғларни кездим,
Топпай дедим қирдан изингни.
Ёноғингдан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқлардан зарворли тоғлар,
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади nasib,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Унгуларда сакрайди оҳу,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан сипқорилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Ниғоҳимдан фақат сен пинҳон,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун Наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, суюкли эркам...
Қўлимда гул сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман:
– Сен баҳорни соғинмадингми?



ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИ ҚАНДАЙ АТАЙМИЗ?



"ТУЛКИ ҚИЗИНИ ЭРГА БЕРДИ",
"БЎРИ БОЛАЛАДИ"...

Эслаб кўринг, бундай ибораларни аввал ҳам эшитгансиз ёки бобо-бувиларингиз айтганда гувоҳи бўлгансиз, бироқ аҳамият бермагансиз.

2025 йил 3 март. Баҳорнинг илк кунларида яна қор ёғди, аммо ҳаво илиқ. Очиғи, қаҳратон деб сифатланувчи қиш тугаган бўлса-да, шу кунгача ноябрнинг охири ва декабрнинг бошидагина қор ёғди. Шундан кейин икки-уч марта оёқ изи тушган қорни айтмаса, қишда қор ёғмади, ҳисоби. Неча йилдан бери янги йил байрамида ҳам юзлаб Қорбобо билан Қорқиз бор-у, қор йўқ...

Нега бундай бўляпти? Баъзан "табиат инсониятдан қасос оляптимикан", деб ҳам уйлаб қоламиз. Аммо хулоса қилишга шовшилманг. Гидрометеорология мутахассислари ёки ҳаётдан сабоқ олган кексалар, табиат ишораларини яхши илғайдиган "билармон" чорвадор, деҳқон кишилар билан суҳбатлашсангиз, бундай қиш авваллар ҳам кўп кузатилаганини айтишади. Чунки мутахассислар техник воситалар ёрдамида, деҳқончилик ва чорвачилик билан мунтазам шуғулланган кишилар эса табиат белгиларига қараб, ҳаётини кузатувларига асосланиб, яқин келажакни олдиндан тасаввур эта оладилар. Бундай кузатувлар кеча ёки бугун пайдо бўлмаган.

Тарих гувоҳлик берадики, инсоният азал-азалдан жонли ва жонсиз табиатни, наботот ва ҳайвонот дунёси сир-асрорларини билишга қизиққан. Ҳали илм-фан ривожланмаган даврлардаёқ қуёш, ой ва юлдузларни, коинот ва атмосфера ҳодисаларини синчковлик билан кузатиб, маълум бир хулосаларга келишган. Бундай хулосалар эса аксарият ҳолларда ўз исботини топган. Йиллар ўтиши билан бу кузатувлар тақомиллашиб, авлоддан авлодга ўтиб, сизу бизгача етиб келмоқда.

ҚИШДА ҚОР ЁҒМАСА...
Икки асрни кўрган кексаларимизнинг

айтишича, биринчи қор ёққанда момақалдироқ гулдураса, "қиш бола ташлади", дейилади. Бу эса қишнинг деярли ёғингарчиликсиз ўтишини, деҳқон ва чорвадорга оғир бўлишини англатади. 1968 йил ёки 2011 йилнинг қишидагидек январь ойида йигирма кунлаб ердаги қор эрмаган ҳолатлар кузатилмади. Ҳожибой Тожиев айтганидек, у томдан бу томга сакраётган ёввойи мушук икки том ўртасида қотиб қолмади...

Яна ўша "билармон"ларнинг айтишича, баҳордан ташқари ёз, куз ва қишда чақин чақнаса, деҳқонлар "бир фаслни уриб кетди" дейишади. Бу ўтаётган фаслнинг одатдагидек бўлмаслигини билдиради. Яна кузда теракларнинг барг тўкишига қараб ҳам қиш қандай келиши тахмин қилинади. Агар тераклар кузда тепадан бошлаб барг тўкса, қиш қаттиқ келади, пастдан бошлаб барг тўкса, қиш енгил ўтади, дейилади. 2024 йилнинг кузида ҳам дарахтлар пастдан барг тўккан эди...

БАҲОР ҚАНДАЙ КЕЛАР ЭКАН?

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади, дейди деҳқонлар. Бу қушлар түп-түп бўлиб уйин-рақсга тушса, кун исийди, улар қичқирса ёмғир ёғади, деб таъбир қилишади. "Билармон" деҳқонлар турналарнинг кўкламги учиб келишигагина эмас, балки кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетишига ҳам эътибор берар экан. Уларнинг кўп йиллик кузатувларига қараганда, кузда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва пастлаб учиб кетишса, қиш қаттиқ келармиш...

ТАБИАТ ИШОРАЛАРИ НИМАЛАРДАН ДАРАК БЕРАДИ?

Эл орасида ҳисобдон кишилар бўлади. Бундай ҳислат кўпроқ чўпонларда учрайди. Чунки улар йилнинг асосий қисmini далада ва табиат қўйнида ўтказишади. Шу боисдан сал эътиборлилари, ота-боболаридан эшитган ва ўзлари кузатганлари асосида кўп ўтмай "башоратчи"га айланишади. Улар табиатдаги ўзгаришларни кузатиб, фаслга баҳо берадилар. Энг, қизғини, уларнинг айтганлари кўпинча тўғри чиқади.

Келинг, Самарқанд вилояти, Нуробод туманининг Ғаллакор қишлоғида яшовчи чўпон Шавкат Бобомуродовнинг кўп йиллик кузатувларига қўлоқ тутайлик.

– Эрталаб туман бўлса, ҳаво очилади, кечқурун тушса, **ёғингарчилик бўлади**.
– Қалдирғон паст учса, қора қарга уйнаса, от хирилласа – **об-ҳаво айнийди**.

– Ҳавода чивин уйнаса, кумурсқа қанотланса, ўргимчак тўр тўқса, чувалчанг ер юзасига чиқса, қурбақа қаттиқ қурилласа, илон тобланса, қалдирғон чўмилса, қарга пастлаб учса, турна сайраса, мушук эшикни тимдаласа, от тепинса, ситгир сулғини тортса, ариқ суви қўликланиб оқса, кунниқор тарафдан шабада эсса, ҳаво қаттиқ исиса, шудринг тушмаса, тулун юқорига ўрламаса – **ёмғир ёғади**.

– Камалак пайдо бўлса – **ёмғир тинади**.
– Қушлар чуғурласа – **ҳаво очилиб кетади**.

– Паррандалар пастлаб учса, қарга қағилласа, туя уйинга тушса – **қор ёғади**.
– Ит қорда уйноқласа, от йўлга ётса – **бўрон бўлади**.

– Чувалчанг ерга кирса, қалдирғон баланд учса, бойўғли сайраса, ўрдак чўмилса, ғоз бошини яшириб, тумшугини тақиллатса, бир оёғи ёки тумшугини қаноти орасига тикса, ит қорга аганаса, ситгир оёқ оёғини қалтиратса, эрталаб қуёшнинг туман беркитса, булут сийрак бўлса – **совуқ бўлади**.

– Чигиртка қирилласа, ғоз ювинса, ўрдак қичқирса, турна уйинга тушса, ит йўлга ётса, от пишқирса, ситгир ётса – **ҳаво исийди**.

– Эрталаб оғтоб қизариб чиқса – **ҳаво булутли бўлади ёки ёғингарчилик бўлади**.
– Қуёш қизариб ботса ёки уфқ алвон тугагача кирса – **эртанги ҳаво очик бўлади**.

Яна бир кузатуви айтишим мумкин. Қор майдалаб ёққанда **ҳаво совуқ бўлади**. Агар қор ўртача қаттиқликда ёғса, **ҳаво яхши бўлади**. Агар лайлаққор ёғса, у **узоқ вақт ёғмайди, ҳаво ҳам ёқимли бўлади**.

Эл оғзидagi гапларни элаб кўрсак... Халқимизда шундай гаплар, иборалар юрадики, уларга эътибор қилсангиз, бир элақдан ўтказсангиз, ҳеч бири бекорга эмас. Ҳаммасида улкан-улкан маъно мўжассам. Улар шундай қизиқарли ва жозибали ифода этиладики, бу халқимизнинг нафақат донишмандлиги, балки шоирлигидан ҳам бир нишона. Шу билан бирга, ҳали ҳаммаси олдинда эканлигини ҳам билдиради.

Мана, эътибор қилинг: "Қишнинг бир кун қалса кўрк", бу – ҳали "қор ёғмапти, қиш бўлмапти", деб хулоса қилишга шовилмаслиқни билдиради.

"Азиз момо олти кун,
Қишнинг бир кун қалса кўрк", бу – ҳали "қор ёғмапти, қиш бўлмапти", деб хулоса қилишга шовилмаслиқни билдиради.

Қалтираса – қатти кун,
Сақранса – саккиз кун,
Тўқранса – тўққиз кун,
Уқранса – ун кун", бу – қишнинг тўқсонни тугаб баҳор олдидан Азиз момо кунлари қандай бўлишига ишора.

"Аямажуз олти кун,
Олти ой қишдан қаттиқ кун" – қишнинг охирида келувчи олти кунлик аямажуз кунлари табиат ўзгариб, олти ойлик қишдан ҳам қаттиқ бўлиши мумкинлигидан белги беради.

"Ёзнинг кунли – юз турли, Қишнинг кунли – қирқ турли" – барчасига қодир табиат тонг отгунча сизу бизга бошқа бир манзарани туҳфа эта олади.

"Ёз – ёзил, қиш – қисил" – тежамкорлик кераклигига ишора.

"Тоққа қалин қор тушгани – Ернинг қониб сув илгани" – баланд тоғларимиздаги қорларни кўриб, кўнгилни бироз хотиржам қилиш мумкин, дегани.

"Қиш қишлигини қилмаса, Ёз ёзлигини қилмас" – қишда ҳаммаси рисоладагидек бўлмаса, ёзда тўкин-сочинлик бўлмаслигига ишора.

"Қишнинг қори – ёзга дори" – қор ёғса, ердаги зарарли ҳашаротлар ўлишини ва натижада ер унумдор бўлишини билдиради.

Демак, "қиш тугаб қўйди, энди қор ёғмайди", деган хулоса чиқаришга эрта. Ҳали олдинда "тўқсон, бир кунимча йўқсан", деб Азиз момо шайланиб турибди.

ЭЛ ОҒЗИДАГИ ҚИЗҚАРЛИ ИБОРАЛАР

– Ёмғирдан сўнг камалак чиқиб, момақалдироқ бўлса, "бўри болалади", дейишади.

– Куёш чиқиб турганда ёмғир ёғса "бўри туғаяпти", дейишади. Баъзилар эса бу ҳолатни "тулки қизини эрга берапти", ҳам дейди.

– Илиқ ҳавода осмондан қор эмас, патта ўхшаб момиқ тушса "қантар оғаяпти", дейишади.

– Кечқурун момақалдироқ гўмбурлаб, эрталаб қор ёқса, "қиш бола ташлаб қўйди", дейишади...

Холиёр САҒАРОВ

Манба: oyina.uz

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ijtimoiy-siyosiy gazetasini
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 345
Адади: 6029
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:20

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Саҳифаловчи:
Шерзод МАМАНОВ



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ